



## The study and originality of Bukhara oasis wedding ceremony dishes

Manzura YUSUPOVA<sup>1</sup>

Bukhara State University

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received January 2021

Received in revised form

15 January 2021

Accepted 20 February 2021

Available online

7 March 2021

**Keywords:**

Bukhara oasis

Wedding ceremony

Ceremonial meal

Matchmakers

Bread breaking

Whiteness

Big wedding

### ABSTRACT

Residents of the Bukhara oasis divide the rituals and ceremonies of the wedding period into three groups from the beginning to the end of the wedding: customs and rituals before the wedding, rituals and ceremonies during the wedding, post-wedding painting - rituals and can be divided into ceremonial dishes cooked in them. White has a special place in the wedding ceremony, which is the first stage of the wedding. It is customary to give whiteness (white scarf, white halva) if the girl agrees when going to the wedding. The groom then sent the bride a white wedding dress and a large white silk scarf. Preparations are underway for a big wedding. The tip soup was cooked, the relatives gathered, and the expenses for the wedding and the invited guests were agreed upon.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Бухоро воҳаси никоҳ маросими таомларининг ўрганилиши ва ўзига хослиги

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

Бухоро воҳаси

Никоҳ маросими

Маросим таоми

Совчи

Нон синдириш

Оқлик

Чимилдиқ

Катта тўй

Бухоро воҳаси аҳолиси никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни ва уларда пишириладиган маросим таомларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф – одатлар ва уларда пишириладиган маросим таомлари, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва уларда пишириладиган маросим таомлари, никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган расм – русумлар ва уларда пишириладиган маросим таомларига бўлиш мумкин. Никоҳ тўйининг илк босқичи бўлган совчилик удумида оқ ранг

<sup>1</sup> Senior Lecturer, Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan  
E-mail: [yusupova@umail.uz](mailto:yusupova@umail.uz)

алоҳида ўрин тутди. Совчиликка борилганда қиз томон рози бўлса, оқлик (оқ рўмол, оқ ҳолва) бериш одати мавжуд. Шундан сўнг куёв томон келинга оқ рангли никоҳ кўйлаги ва катта оқ ҳарир рўмол жўнатган. Катта тўйга тайёргарлик кўрилган. Маслаҳат оши пиширилиб, қариндошлар йиғилиб, тўйга кетадиган ҳаражатлар ва таклиф қилинадиган меҳмонлар тўғрисида келишиб олинган.

## Изучение и уникальность блюд свадебной церемонии Бухарского оазиса

### АННОТАЦИЯ

#### *Ключевые слова:*

Бухарский оазис  
Свадебная церемония  
Торжественная трапеза  
Сваты  
Преломление хлеба  
Белизна  
Большая свадьба

Жители Бухарского оазиса делят обряды и церемонии свадебного периода на три группы от начала до конца свадьбы: обычаи и ритуалы перед свадьбой, ритуалы и церемонии во время свадьбы, постсвадебная роспись - ритуалы и могут быть делятся на приготовленные в них парадные блюда. Белый цвет занимает особое место в свадебной церемонии, которая является первым этапом свадьбы. Белизну (белый платок, белая халва) принято дарить, если девушка соглашается, собираясь на свадьбу. Жених послал невесте белое свадебное платье и большой белый шелковый шарф. Идут приготовления к большой свадьбе. Был приготовлен чайный суп, собрались родственники, согласованы расходы на свадьбу и приглашенных гостей.

**Никоҳ тўйи** – бу тўй ота– оналарнинг рухсати ва дуоси билан, бир неча босқичда ўтказилади. **Никоҳ–умуминсоний** қадриятларни ўзида мужассамлаштирган урф – одат бўлиб, ибтидоий жамиятнинг сўнгги даврида юзага келган ва кейинчалик ёзматарзда қонунийлаштирилган маросим шаклини олган. “Никоҳ” арабча сўз бўлиб, “эр – хотинликни шариат йўли билан қонуний расмийлаштириш”, деган маънони билдиради.

Ўғил вояга етганда ота– онаси унга мос келадиган қизни излай бошлайдилар ва аксинча бирор қизни ёқтириб қолган бўлса, унинг оила аъзоларини суриштира бошлайдилар. Бу жараёнга яқин қариндошлар, қўшнилари, ошналар ҳам киришади. Суриштирувлар натижасида ижобий жавоб олингандан сўнг қизнинг уйига совчилар<sup>2</sup> юборилади. Чунки Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари Бухоро воҳасида ҳам тадқиқ қилинаётган даврда оила қуриш анъанага кўра, никоҳ тўйи маросими, албатта, совчиликдан бошланган. Совчилик – ўзбек халқининг азалдан эъзозланиб, муқаддас саналиб келаётган одатларидан бири бўлиб, ота – боболаримиз совчилик асосида ҳамма замонларда ҳам “қиз берсанг — отасига қараб бер, қизолсанг — онасига қараб ол” мақолига амал қилиб, “қизбор — қирғиз қовоқли, қиз бор — қарчиғай қанотли” ларини танлашган.

<sup>2</sup>Совчилар тўғрисидаги илк маълумотларни VII – VIII асрларга оид Ўрхун – Энасой битикларида учратамиз. Ўрта аср машҳур тилшуноси Маҳмуд Қошғарий бу хусусда “совчи – келин ва куёв орасида бир – бирига хабар элтувчи”, деб изоҳлаган.

“Совчи” сўзининг келиб чиқиш тарихи қадимги туркийлар тилида “сўз”, “хабар”, “ҳикоя” маъноларида қўлланилган “сав” лексемаси билан алоқадордир<sup>3</sup>. Қозоқ тилшуноси Р.Сидиқованинг фикрича, “савчи”/“жавчы” сўзининг асосида турадиган “сав” элементи туркий тилларда “сўз” маъносини билдирувчи “сөз/сау” ўзагига боғланади<sup>4</sup>.

Самарқанд вилояти туманларида совчиларнинг илк бор келиши “эшик очар” дейилса, қайта-қайта қатнаши “ковуш йиртар” деб юритилган. Одатда, совчи бўлиб келган кишилар қизнинг ота-онасига ўз мақсадларини баён этиш чоғида: “Сиздан битта рўмол олай деб келдик”, “Қизингизнинг бошини боғлай деб келдик”, “Эшигингизни супургани қулчиликка келдик” каби ибораларни ишлатишади. Анъанага кўра, совчилар ўз ниятларини очиқ баён қилишга ўтишдан аввал ташрифдан кўзланган мақсадни эвфемик нутқ воситасида ифода қилишлари анъанавий ҳолат ҳисобланади.

Келин танлашда унинг авлоди ва аждоди (саломатлиги, уқуви, юриш туриши ва ҳоказо) га катта эътибор беришган. Дастлабки совчилар аёллардан иборат бўлиб, йигитнинг онаси, аммаси, янгаси ёки холаси бўлган. Яъни онаси ва гапга чечан, сўзамол хотин танланган. Удумга мувофиқ совчиликка уч марта борилган. Албатта, совчилар “Эшигингизга қулчиликка келдик” деган сўзни айтиб, сўнгра мақсадга ўтишган. Аёллар розиликни олгандан кейин, йигитнинг отаси билан тоғаси ёки амакиси қишлоқнинг ували – жували ҳурматли кишиси билан бирга қизнинг уйига боришган. Қудалар бир – бирлари билан танишиб, қизнинг ва ота – онанинг розилиги олингач, нон синдирилган. Никоҳ тўйигача қудалар ўртасида маслаҳат оши берилади. Қиз томон рози бўлса, рўмол берилади. Сўнгунаштириш маросими ўтказилади. Халқ орасида бу одат “нон синдириш” деб ҳам аталади. Мана шу кундан бошлаб қиз ҳам, йигит ҳам унаштирилган деб ҳисобланган.

**Нон синдириш маросимидан** мақсад: нондек азиз бўлишсин, ризқи-насибалари бутун бўлсин, баракали бўлишсин, бахтли бўлишсин дея тилак билдирилиб, дуолар қилишади. Нонни ҳар ким ҳам синдириб, тилак билдирмаган. Нонни яқин қариндошлардан бўлган ёши улуғ, ўзидан тинчиган, бир никоҳли, турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган, осойишта ва бахтли оиласи билан барчанинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлган киши синдирган ва ёшлар оқ фотиҳа берган, ҳамда нон даврада ўтирганларга бўлиб берилган<sup>5</sup>. Нон синдирилганда қудалар ўзлари билан оқ рўмол, оппоқ матодан кўйлаклик ва оқ парварда, оқ гардиш ҳалво келтиришган.

<sup>3</sup>М.Жўраев, Л.Худойкулова:Маросимнома. “Совчилик”. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2008 йил. – Б. 97.

<sup>4</sup>Охунжон Сафаров, Мелс Махмудов. Оиламаънавияти. Б. – 127.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. I.A –Д/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 670 б.; Ж.II. Е –М /– 672 б.; Ж.III. Н –Тартибли /– 688 б.; Ж.IV. Тартибот – Шукр /– 608 б.; Ж.V. Шукрона –Х / –592 б.

<sup>5</sup>Дастурхонга нонлар жуфт қўйилган, факат мотам маросимларида нонлар тоқ қўйилган. Дастурхон ёзилганда, унга қўйилган барча егуликларни истеъмол қилишни, биринчи бўлиб, кекса киши ёки меҳмон бошлаб берган. Агар оила даврасида бўлса, таомейишноилабошлиғи бошлаб берган. Агар дастурхонга дуо қилинаётган пайтда дастурхонда пичоқ турган бўлса, “дуонинг кучиникесади”, деб четга олиб қўйилган. Дастурхон кун ботгандан кейин “қилинган дуоларни ергатушган шайтонларилиб кетади” деб қоқилмаган, у кечаси ташқарида ҳам қолдирилмаган. Дастурхонга камабагалликдан нишона келтиради, дебунга оғиз, қўл ҳамартилмаган. Барака кетади, дебювилга яққўл силкитилмасдан, сочикқа артилган.

Бу Жондор, Шофиркон, Вобкент ва Ғиждувон туманларида “Оқлик”<sup>6</sup> маросими деб аталган. Бувимнинг хотирлашларича, ота – онамнинг тўй маросимларида, яъни 1970 йилларнинг оқлик маросимида 12 та патир, 20 та кулча нон, 6 та гардиш ҳолва, қанд курс, уч метр сурф матоси, оқ рўмол олиб боришган экан. Шундан сўнг фотиҳа қилинадиган кун белгиланган.

Бухоро воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи маросимлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги аҳолининг никоҳ тўйи маросимлари билан ўхшашлик томонлари бўлсада, лекин ўзининг урф – одат ва расм – русумларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунча бўлган даврдаги маросимларни ва уларда пишириладиган маросим таомларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф – одатлар ва уларда пишириладиган маросим таомлари, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва уларда пишириладиган маросим таомлари, никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган расм – русумлар ва уларда пишириладиган маросим таомларига бўлиш мумкин. Фотиҳа қилинган қизга йигитнинг оиласи томонидан байрам кунлари (Рўза ва Қурбон ҳайити) да ҳар хил совға – саломлар (“ҳайитлик”) юбориб турилган<sup>7</sup>.

“Оқлик” деб аталувчи яна бир маросимимиз борки, у совчиликнинг ижобий якуини белгилайди. Бу маросим жараёнида кўни – кўшнилари, қариндош – уруғлар, қудалар иштирок этиб, келинга атаб поклик рамзи сифатида оппоқ матодан кўйлак бичишади. Эътиборли томони шундаки, халқимиз орасида анъанавий тўй маросимларида ранглар рамзига алоҳида эътибор берилади. Масалан, никоҳ маросимлари билан боғлиқ анъаналарда оқ ранг муҳим ўринга эга. Бу маросимдаги оқликлар (оқ ранг билан боғлиқ рамзийликлар) ёшларнинг бахтли ва порлоқ келажаги, турмуши рамзини ифодалаб келади. Никоҳ тўйининг илк босқичи бўлган совчилик удумида оқ ранг алоҳида ўрин тутаяди. Совчиликка борилганда қиз томон рози бўлса, оқлик (оқ рўмол, оқ ҳолва)<sup>8</sup> бериш одати мавжуд. Шундан сўнг куёв томон келинга оқ рангли никоҳ кўйлаги ва катта оқ ҳарир рўмол жўнатган. Никоҳ тўйида келин – куёв оқ рангдаги сарполар кийишади. Келин учун тўй олдида жўнатилган сарполар устига оқ сурпга ўралиб ойна кўйилган. Никоҳ куни куёв хонадонига кузатилаётган қиз отасининг оёғига бош кўйиб, ундан «оқ фотиҳа» – розилик олади. Оқ кийим зардуштийлар диний эътиқоди рамзи бўлган. Оқ либоснинг зардуштийлик рамзи эканлиги борасида “Яшт”нинг “Митра қасидаси” да алоҳида таъкидланган<sup>9</sup>. Зеро шу оқ ранг халқимиз меҳр муҳаббат, тинчлик, осойишталик сари етаклаган ва барча маросимларимизда учрайди.

Фотиҳа тўйидан 3 кун олдин кўни кўшни, қариндош уруғлар “Фатир пазон” тожикларда, ўзбекларда “патир пиширди” маросими ўтказилган. Яъни ўзбек тўйларида келин ва куёв, икки томондан бўлган қудаларнинг бир – бири билан

<sup>6</sup>Оқлик маросимида келтирилган ҳамма нарса оқ рангда бўлиши керак бўлган. Илгари оқлик маросимида иштирок этганларга оқ чит матосидан тайёрланган рўмол берилган. Унаштириш рамзи сифатида.

<sup>7</sup>Ҳайитларнинг икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси - Қурбон ҳайити бўлиб, Катта ҳайит деб аталади. Унинг олдида икки кун қолганда, арафа кунлари нишонланади. Ёлғон арафа, бир кун қолганда чин арафа, учинчи кун эса Ҳайит байрами қилинади. Ёлғон ва чин арафа кунлари ҳар бир хонадонда ис чиқарилиб, чалпак, талқон, палов қилинади. Яқин қариндошлар, кўшнилари бир - бирларини Ҳайит билан муборакбод этиб, таом ва пишириқлар чиқарганлар. Янги кийимлар кийганлар.

<sup>8</sup>Ҳолва - ширинлик бўлиб, кўпинча, гўдақликдан қиз болага нисбат берилган. Яъни Умидахон дейдилар, ҳолвасини ейдилар.....Вақт ўтиб, унга совчи келиши, фотиҳа қилиниши, ҳолва - ю патирлар ушатилиши кўзда тутилади. Қудалар томонидан келтирилган "Келин оши" дастурхонига асосий ширинлик сифатида албатта ҳолва кўйилган.

<sup>9</sup>Авесто: Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси, Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 66.

қўшилиб, чатишиб, бир жону бир тан бўлишини тилаш мақсадида рамзий маънода иссиқ тандирларда **фатирлар (патир)** ёпилган<sup>10</sup>. Шунинг учун ўзбек никоҳ тўйларида шундай усулда нафақат патир, балки **қатламалар** ҳам пиширилган. *Қатлама* ҳам патирга ўхшаб қатлари орасига ёғ суртибясалган ва патир юзи кул билан чимчиланган ёки ёғоч қошиқ, чети уриб чиқилиб, безак берилгандан сўнг, қозонда ёғга пишириб олинган ҳамда устига шакар сепилган. Воҳада қиз боланинг фотиҳа тўйига келганлар биринчи навбатда қатламадан истеъмол қилган. Фотиҳа тўйининг патир ва қатламасини тайёрлаш учун, куёвникида “қатлама пишириш” маросими ўт-

казилиб, 20 - 24 тагача патир ва қатлама пишириб, келинникига юборилган.

Бухоро воҳасининг айрим туманларида **қатламати** ўйда, уйга меҳмон чақирганда ҳамда таъзиянинг 40 маросимида пиширилган. Уни тайёрлашда хаамири сут ёки сувда қорилган. Зувала қилиб, бироз тиндирилган ва ўқлов ёрдамида юпқа қилиб ёйилиб, ёғ суртилиб, бироз тиндирилади. Хаамирни нон катталигида ёйиб, бўлакларга бўлинади ва ёғда пишириб олинади. Маросимлар нонсиз, патирсиз ва қатламасиз тасаввур қилинмаган.

**Фотиҳа тўйи** (унаштириш маросими)га асосан қариндош – уруғлар, ёру – биродарлар ҳамда қўни – қўшнилари таклиф қилинган. Фотиҳа тўйи маросимида куёв томонидан келиннинг хонадонига келган меҳмонларга “ширин сув” беришган. Бу одат ҳар икки томон бошлаган эзгу иш якуни ҳам худди ширин сув каби ўтсин, ёшлар турмуши ширин тотли бўлсин, деган ниятда қилинади<sup>11</sup>. Фотиҳа тўйида куёв томонидан келин хонадонига “тўққиз” (бухча, сарпо, сеп ҳам дейилган, тожикларда “Бор” ҳам дейилган) юборилган. Удумга кўра куёвнинг ота – онаси келин учун атаб йиғган кийим кечак, тақинчоқлару атир – упаларни қариндошлар иштирокида келиннинг уйига олиб боришган. 8 тадан 10 тагача аёл ва 4та эркакни қуда қилиб олиб боришган. Яна бир қоп (халта) гурунч, бир қоп ун, бир қоп картошка, бир қоп сабзи, мол ёки қўй, мевалар, ширинликлар, ичимликлар (тўй қилаётган оиланинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган) келтирилган. Қиз томон ҳам куёв учун маълум бир белгиланган кун сарпо (куёв учун бошдан оёққача нарса, яъни кийим – кечак) юборилган. Фотиҳа тўйидан катта (никоҳ) тўйгача бўлган даврда куёвнинг оила аъзолари томонидан келиннинг уйига “келин оши” қилиб бориб турилган. Келин ошида турли хил таомлар (ош, кабоб, тандир, манти....), ширинликлар бирга кийимлик олиб борилган. Келин томон эса келин оши келишини (қудалар келишини) дастурхон безатиб кутиб туришган. Одатимиз бўйича, никоҳ тўйи маросимида келиннинг уйига жўнатиладиган маҳсулотлар орасида аччиқ нарсалар юборилмаслигига ҳамда келинга аталган саруполар орасида қора ранглиси бўлмаслигига алоҳида аҳамият қаратилади. Улар ёшларга бахтсизлик келтиради, деб ирим қилинади.

Никоҳ тўйи олдидан яна бир маросим рах урди яъни кўрпа йиғиш (рахзанон) маросими ўтказилган<sup>12</sup>. Келин – куёв учун махсус кўрпа (бистар) бичилган. Бистар

<sup>10</sup>Фатир фақатгина тўй маросимида пиширилмаган. Хонадонга янги тандир қурилган вақтда қариндош аёллар, қўшни аёллар фатирнинг хаамирини (фатир оширилмаган хаамирга ёғ суртиб тайёрланади) тайёрлаб келиб, янги тандирга бирин – кетин пишириб олишган ва йиллар ўтган сайин бу ҳам бир маросим бўлиб қолган.

<sup>11</sup>А.Аширов: Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. -Б.90

<sup>12</sup>Бухороданикоҳ тўйитаркибидарахтанон (рахтуриш)деган алоҳидамаросим бор. Бунда аёлқуда- андаларкелинникидакуёвюборганкийим-кечакларниқавмуқариндошлар ўртасидамаҳсулнамоийишэтиб, кўрпа- тўшақларнимаълумиримларасидасандикустигатерибчиқадиладар. Бурахтдейилади.

ичига тарих сепилади яъни фарзандларимиз — келин ва куёв серризқ бўлсин, деган маънода; уларнинг умрлари узун бўлсин, деб етти хил ип айлантирилади: ўғил- қизи кўп бўлсин деб икки дона ошиқ (бужул) қўядилар. Битта келин томонидан, битта куёв томонидан бўлган икки аёл келиннинг “бахттакти” ёки “рахти”ни урадилар. Бунда келин ва куёвнинг оналари келинга атаб қавиган кўрпа-тўшакларни сандиқ устига терма қилиб йиғадилар. Сандиқнинг юзи қиблага қаратилган ҳолда қўйилади. Кўрпалар терилгач, устидан чиройли патдўзи тўрт хил сузана, палаклар, жойнамоз, такия пўшлар билан ёпиб, сочқилар сочилади. Сўнгра аёллар мухаммас айтиб, ўйин-кулги қилишади. Бу удумларни бажаришда қариндош – уруғлар, қўни – қўшнилар оммавий жалб қилинган. Кўрпа орасига оқ қанд ва бужул (қўй сўйилганда унинг суягидан ният қилиб олинган) қўшиб тикканлар. Бунда бўлғуси оиланинг ҳаёти ширин, қут – баракали, ширин, тотли, тўкин-сочин бўлсин деган ният мужассамлашган. Рахтга сўзаналар қўндаланг қилиб ёпилмаган. Бахтсизлик келтиради деб ирим қилинган. Рахтзанонга келган меҳмонларга дастурхон безатилиб, ош дамланган. Куёв томон келиннинг уйига дастурхон қилиб борган ва бу дастурхон кўп болали она томонидан очилган. Шу куни қизнинг уйига атрофдаги таниқли оқсоқоллар, маҳалла оқсоқоллари, қариндошлар, қизлар йиғилади. Созандалар таклиф этилган ва маросим бошланган, фотиҳа тўйи ўтказилган. Шу пайтдан бошлаб ёшлар бир – бири билан боғланган, фотиҳа қилинган деб ҳисобланган. Барча йиғилганлар келтирилган фатирлар, ширинликлар ва пишириқлардан баҳраманд бўлганлар. Сўнг никоҳ ўқитиш учун жўраси (ака, амаки, тоға) ҳамроҳлигида куёв келиннинг уйига ташриф буюради. Никоҳ ўқиш пайтида келин томон ичкарига, куёв томон эсаташқарида турадилар. Мулла одатий никоҳ хутбасини ўқиб, уларнинг розилиklarини уч борадан сўраб, сўнгуларнинг бир-бирларига никоҳ қилинганликларини вашу дамдан эътиборан эр-хотин бўлганликларини эълон қилади. Никоҳ ўқитаётган пайтда дастурхонга нон, қанд, бир косада сув қўйилади. Никоҳдан кейин эса, сувни келин-куёв бир тўпладан ичиб, сўнг бошқаларга узатадилар. Нон, қанд, сув қўйилишининг сабаби ёшларнинг умри, турмуши ҳамиша тўқлик, тўкинлик билан ширин ўтсин, деган ниятни ифодалайди. Никоҳ ўқилаётган пайтда куёвнинг онаси ёки жўраси бекасам тўннинг елкасидан игна билан ипни ўтказиб туради. Бунинг маъноси шуки, келин-куёв бир-бирига ҳамиша бирикиб юрсин, ажралиб кетмасин; келин-куёвнинг тақдир пешонаси тугилмасин, деб ипнинг учлари тугилмайди. “Ҳамиша буғдойдан сероб бўлсин, бола – чақали бўлсин” деган ниятда куёвнинг бошидан бир ҳовуч буғдой сепилади. Одатда никоҳ ўқилганидан сўнг ёшлар ўзининг фуқаролик никоҳини қайд этиш учун ЗАКС<sup>13</sup> дан ўтишади.

**Эрталабки ош (наҳор оши)** – суннат тўйи ёки никоҳ тўйидан олдин тўй ўтказувчилар томонидан қариндошлар, маҳалла оқсоқоллари билан келишилган ҳолда ўтказиладиган маросим бўлиб, ерталабки ошнинг куни, вақти белгиланади ва меҳмонлар таклиф этилади. Бир кун олдин қўни қўшнилар, қариндошлар

<sup>13</sup>Бухоро воҳасида XX аср бошларигача бўлган даврда ижтимоий келиб чиқиши турлича бўлган, турмуш тарзи бўйича дехкон, савдогар, хунарманд - қосиб сингари хилма - хил касб эгаларидан иборат ўзбек ва тожиклар яшаганлиги маълум. Бу даврда Бухорони чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган амир бошқарар эди. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилиши билан амирлик ерларига ҳам рус миллатига мансуб кишилар кўчиб кела бошлаган ва бу кўчкиндчилиқ сиёсати Бухоро воҳаси аҳолисининг кундалиқ турмуш тарзига, оилавий муносабатларига (урф-одат, анъаналарига – Ю.М) ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Натигада Бухоро воҳаси аҳолисининг турмуш тарзида, оила ва оилавий муносабатларида ўзгаришлар юз бериб, янгича тус олди.

иштирокида “сабзи тўғраш” маросими ўтказилади. Сабзи тўғраб бўлингандан сўнг, барчани дастурхонга таклиф этадилар ва овқатланиш пайтида оқсоқоллар келган қариндошларга тўй арафасида бажарилиши керак бўлган ишларни бўлиб берадилар яъни тақсимлайдилар. Ерталабки ош бомдод намозининг тугаши пайтигача тайёр бўлишилозим бўлган, чунки намоздан чиққан кишилар биринчи меҳмонлар бўлади. Сўнгра дастурхонга ош тортилган. Ерталабки ош одатда кўпи билан бир ярим, икки соат давом этган. Ош еб бўлингандан сўнг фотиҳа ўқилиб, янги оила қуриш арафасида бўлган ёшлар узоқ умр, бахт саодат тилаганлар.

Келинота – онасининг уйини тарк этишидан олдин куёв яқин ўртоқлари билан унинг уйига келади. Яъни никоҳ кечаси кечки пайт куёв ўз яқинлари билан куёв учун аталган сарполарни кийган ҳолда, қутловлар остида тўйхонадаги оқсоқолларнинг дуои-фотиҳаларини олиб, келин уйига “куёвнавкар (куёвжўра)” га борадилар. Бунда куёв ўз дўстлари қуршовида, карнай-сурнай ва турлиўртоқлари куёвни чимилдиққа бошлаб боришади. Аммо куёв жўралар чимилдиққа кирмайди, улар эшик олдида қолади. Айни шу вақтда маҳалланинг ёши улуғ аёли “саломнома” ўқийди. Эшик олдида кутиб турган куёв жўралар “ҳазоралик” деб туришади. Умуман айтганда, халқимиз орасида чимилдиқ билан боғлиқ қатор урф-одатлар, эътиқодий қарашлар ва иримлар шаклланган. Улар келинни чимилдиқ (гўшанга)қа олиб киришади<sup>14</sup>. Чимилдиқнинг тепасида икки жойда “келин-куёв доимпахтадай очилиб турсин, бахтлари оппоқ бўлсин” деганниятда икки тутам оқ пахта қўйишган. Чимилдиққа тутилмаган, охорли, янги кўрпача ва устига оқ чойшаб солинган. Бу келин-куёвнинг бахт ўриндиғи саналган<sup>15</sup>.

Бухородакелин – куёв чимилдиққа “Саломнома” ҳамоҳанглигида навбатма – навбат киритилади. “Саломнома” ижрочилари Бухорода “биби халфа”, “оямулло”, “биби оямулло” деб юритилади. Оямуллолар “Саломнома”ни ёддан эмас, арабимлосида ёзилган матнга қараб уқишган. Матн 1 — 1,5метрлик ўрама қоғозда ёзилган бўлиб, қироат жараёнидалентасимон осилиб борган. “Саломнома” ўқиб бўлингач, бибиҳалифалар келин – куёв, уларнинг ота – онаси, қариндош – уруғлари, жамики йиғилганлар ҳақиқа қисқагинадуо ўқийди. Масалан: “Илоҳи бибиФотимаюЗухронингбахтлариниберсин. Ували-жували бўлсинлар.ОминОллоҳу акбар!” Баъзиҳоллардабибиҳалфалар “Саломнома” охирида “Ёр-ёр” ёки ўланларни ҳам қўшибкуйлашган. Келин чимилдиққа киргач куёв томонидан турмушга чиқмаган қиз ташриф буюриб, келиннинг юзини очади ва ёпинчиғини (паранжисини) олиб, кўрманасини беради<sup>16</sup>. Сўнгра барча қариндошлар бирма-бир келин-куёвга ўтириш учун рухсат берганлар ва бунга ҳамма рози эканлигини билдирганлар. Ҳамма учун қизиқарли ва машҳур бўлган “Келин ўтирсин” ва “Куёв ўтирсин”<sup>17</sup> маросимларининг характерли хусусияти шундаки, улар ҳам келин, ҳам куёвнинг уйида ижро этилади.

Воҳада никоҳ тўйларида келин – куёвни чимилдиққа киритиш удумининг ўзиёқ бир неча босқичдан иборат. Улардан бири чимилдиқда тортиладиган таомлар

<sup>14</sup>Дала этнографияси: келин куёвнинг уйига олиб кирилгач, ҳар икки томондан биттадан янгалар уйнинг ўнг томони бурчагига чимилдиқ уришади.

<sup>15</sup>Охунжон Сафаров, Мелс Махмудов. Оиламаънавияти. Б. – 127

<sup>16</sup>Кўрмана – келин кўришга келганлар томонидан келтирилган совға – саломлар. Куёвнинг қариндошлари томонидан келтирилган.

<sup>17</sup>Қаранг:О. Сафаров. “Келин утирсин” ва “Куёв ўтирсин” маросим кўшиқлари — “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 1989, 5-сон, 35—39-бетлар.

ва ичимликлар билан боғлиқ урф – одатлардир. Бунда чимилдиқдаги келин – куёвга ва улар билан келган қудаларга икки косада ширин сув (қанчой) ва сут (сут воҳанинг ҳамма жойларида ҳам берилмаган) берилади. Шофиркон тумани аҳолиси чимилдиқда фақат қандчой берган. Бу билан уларга ширин турмуш, фаровон ҳаёт тилаш истаги намоён этилади. Чимилдиқ ичида дастурхон ёзилиб, дастурхонга чучвара, сугдан тайёрланган шигурунч, ҳалвойтар, палов каби таомлар; ёнғоқ, тухум, новвот, шўрданак, патир, ширинликлар, сомса, варақилар тортилади. Бу таомларнинг ҳар бири маълум бир маъно ва моҳиятга эгадир. Дастурхонга тўртта патир, сомса, ҳалва, мағиз, туршак ва хонадон соҳиблари учун сарпо қўйилган, хуллас рўзғорга бор нарсаларга қараб дастурхон тайёрланган”. Оппоқ буви ўзларининг севимли пишириқлари бўлмиш сомса (самбўса) ҳақида қўйидаги фикрни билдирдилар: Ман самбўса (сомса) пиширишни яхши кўрадим. Самбўса пишириш учун ун яхшилаб эланади. Лаганга озгина туз, қаймоқ, сув аралаштириб хамир қорилади. Қаймоқ хамирга таъм бериб, мулойим қилади. Хамир бироз тиндирилгач, ўқлов<sup>18</sup> ёрдамида ёйилади. Ўртача қалинликда, кўп ҳам юпқа бўлиб кетмаслиги керак. Мазкур “гўштли нон” нинг таърифланишидан кўриниб турибдики, у сомсанинг худди ўзи.

Никоҳ тўйининг ҳар бир маросимида дастурхон безатилиб, таом тортилган. Пишириладиган таомлар мифалогик хусусиятга эга бўлиб, воҳа аҳолиси таомга солаётган ҳар бир масаллиққа алоҳида эътибор қаратиб, пиширилиш анъанаси ва маданияти кўп асрлик тарихга эгадир<sup>19</sup>. Маросим таомларимизни тайёрлашда гўшт ва донли экинлар муҳим аҳамият касб этиб, ўзининг лаззатлилиги, қувватлилиги ва сервитаминлиги билан ажралиб туради. Маросим бошлангандан то тугагунга қадар нон етакчи ўринда бўлган. Нон тайёрлаш ҳам пазандачиликда алоҳида ўрин тутди ва воҳада пишириладиган, маросимларимизнинг кўрки бўлган “нони амири”, “Фатир, патир” ларнинг донғи бутун дунёга тарқалган. Юртимизга турли даврларда ташриф буюрган саёҳатчи, элчи ёки савдогарлар ҳам саёҳат эсдалик/кундаликларида Бухоро воҳаси маросимлари ва уларда пишириладиган таомларни зўр қизиқиш билан кузатиб борган ва ҳодисани алоҳида қайд этиб ўтишган.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. М.Жўраев, Л.Худойқулова:Маросимнома. “Совчилик ”. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2008 йил. – Б. 97.
2. Охунжон Сафаров, Мелс Махмудов. Оиламаънавияти.- Б.- 90 – 127
3. Авесто: Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси, Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. - 66
4. А.Аширов: Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. -Б.90

<sup>18</sup>Ўқлов – хамир ёйиш учун ишлатиладиган махсус асбоб бўлиб, ёғочдан тайёрланган.

<sup>19</sup>Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.–Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.– Б. – 276 .



5. О. Сафаров. “Келин утирсин” ва “Куёв ўтирсин” маросим қўшиқлари — “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1989, 5-сон, - Б. 35—39
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. I.A –Д / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 670 б.; Ж.II. Е –М /- 672 б.; Ж.III. Н –Тартибли /- 688 б.; Ж.IV. Тартибот – Шукр /- 608 б.; Ж.V. Шукрона –Ҳ / -592 б.
7. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.–Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.– Б. – 276 .